

Навой бобомиз Қуръони Каримни неча ёшида ёд олган?



15:01 / 09 февраль 1341

Буюк даҳо Низомиддин Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳни бизга таништирган ва севдирган падари бузрукворимиз Яҳёхон қори домла улуф шоирни ҳофизи Қуръон бўлган, деб таърифлар эдилар. Бизларни Қуръон ёдлашга қизиқтириб, «Ҳазрати Навоий 7-8 ёшида Қуръонни ёдлаб бўлган эканлар, сизлар кеч қоляпсизлар», деб қўярдилар. Катта эҳтимол билан, у киши бу маълумотни ўша даврдаги устозлардан, хусусан, Навоий, Фузулийга фикри каманд бўлган, Анисий, Улфат ва Ҳабибий домлаларнинг адабиёт фанидаги устози, бобомиз Абдулмажид қози домла ҳузурларида эшитганлар. Бироқ манбаларда Навоийнинг Қуръони Каримни тўлиқ ёд олгани ҳақида бирорта аниқ маълумот учрамайди. Аммо ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганган одам у кишини Қуръон ҳофизи ва олими бўлган деган хулосага келиши табиий. Кўплаб навоийшунос

олимларнинг Алишер Навоийни Қуръон ҳофизидек таъриф этмасан-да, унинг Қуръон илмида билимдон бўлганини таъкидлаши ҳам шундан. Жумладан, профессор Исмаилов Абдуллаев бу ҳақда шундай ёзади: «Алишер Навоий 28 ёшида Қуръон, ҳадис ва бошқа диний билимларни пухта ўрганиб, араб, форс тиллари ва адабиётини, Ислам давлатлари тарихини мукаммал эгаллаган».

Очиғини айтганда, Навоийнинг Қуръон маъноларидан холи йирикроқ асарини топиш мушкул. У кишининг бутун ижоди Қуръон ва Суннат ҳамда исломий тасаввуф ирмоқларидан сизиб чиққанини ҳар қандай зийрак одам яхши билади. Бироқ бунинг ўзи Навоийни Қуръон ҳофизидек бўлган дейишга етарли асос бўла олмайди.

Алишер Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» асарида қуйидагича ҳикоя қилади: «Мавлоно Шарафиддин Алий Яздийдур – Мавлононинг соҳибкамоллиғи олам аҳли қошида мусалламдур (эътироф этилгандир). Шохрух султон бузуғлиғида фақирнинг волиди (отаси) жамоати касир (кўпчилик) била рўзғор ҳаводиси (ҳодисалари) фитнасининг Хуросондин қочиб, Ироққа борурда Тафтқаким Мавлононинг мавлидидур (туғилган жойидир), ярим кеча етиб тушдилар. Иттифоқо манзил аларнинг хонақоҳи эшикида воқеъ эрди (жойлашган эди), тонг отқонда, андоқким, ўюни атфол даъби бўлур (болаларнинг ўйнаш одати бўлади), ул жамоатнинг атфоли (болалари) ул хонақоҳга ўйнағали кирдилар ва фақир ҳам алар била эрдим, тахминан олти ёшимда бўлғай эрдим ва Мавлоно бир раҳбада (кенглик жойда) ўлтуруб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфолдин бирини тиладилар (чақирдилар). Фақир алар сори борурға муваффақ бўлдум. Ҳар неким сўрдилар, жавоб айтдим. Табассум қилиб, таҳсин қилдилар, дағи сўрдиларким, «Мактабга борибмусен?» Дедимким: «Борибмен». Дедиларким: «Не ергача ўқибсен?» Дедимки: «Таборақ» сурасиғача». Дедиларким: «Бу жамоат атфолидин биз тилаганда, сен келиб, биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули», деб ўз фотиҳалариға мушарраф қилдилар».

Демак, Алишер Навоий болалигида мактабда Қуръон ёдлашга киришган бўлиб, олти ёшида Қуръондан икки жуз ёд олиб бўлган экан. Аммо бу унинг кейинчалик Қуръон ҳофизидек бўлганини англатмайди. Бироқ шу ёшда Қуръондан икки порани ёдлаган киши, айниқса, Низомиддиндек фавқуллодда ақлу хотира соҳибидек бўлган одам кўп ўтмай Қуръонни тўлиқ ёд олган бўлиши эҳтимол юқори. Унинг улғайиб, бир умр асосий вақтини Қуръон тиловати ва унинг тафсириларини ўқишга бағишлагани фикримизни

янада қувватлайди.

У «Назмул-жавоҳир» асарида шундай ёзади:

«Ложарамким, кўпрак авқотим Каломуллоҳ иштиғоли ва анинг тафосири қийлу қоли била ўтар эрди, то аҳодис дарёсиға ғавс қилур эрдим ва андин гаронмоя гавҳарлар иликка кивурур эрдим».

Ўғирмаси: «Ҳеч шубҳа йўқки, кўп вақтим Каломуллоҳга машғуллик, унинг тафсирида айтилган сўзларни ўқиш билан ўтар эди. Кейин ҳадислар дарёсига шўнғир эдим. Улардан қимматбаҳо гавҳарларни қўлга киритар эдим».

Бу ерда Қуръон тафсири мутолаасини фарқлаб айтишдан «Каломуллоҳга машғуллик» деганда унинг тиловати назарда тутилганини англаш қийин эмас. Кўп вақтини Қуръон тиловати билан ўтказиш эса одатда Қуръон ҳофизларига хос ҳолатдир. Бундан Навоийнинг ҳофизи Қуръон бўлгани эҳтимоли ортади. Бордию у киши Қуръонни ёшлигида ёд олмаган тақдирда ҳам, ўзи эътироф этганидек, кўп вақт Қуръон тиловати ва тафсири билан машғул бўлиш натижасида кейинчалик Қуръонни тўлиқ ёд олгани, лоақал ёд олаёзганини тахмин қилиш мумкин.

Алишер Навоий ўзи ҳақида насрий асарлардан ташқари назмларида ҳам айрим маълумотларни бериб ўтади. Ҳазаллардан бирида у киши Қуръондан ёдлаган айрим сураларига ишора қилади:

Ўйла қилдим дафтари ишқингда ҳар дастонни ҳифз
Ким, қилур атфол сура-сурае Қуръонни ҳифз.

Шоми зулфи қайдию меҳри узорин кўргали
Айламишмен сураи Вал-лайлу вар-Раҳмонни ҳифз.

Навоий бу байтларда ўша даврдаги Қуръон таълимидаги ҳолатни ҳам тасвирлаб ўтади. Унга кўра, у пайтда кўпчилик Қуръонни сура-сура қилиб ёд оларкан ва Навоий ҳам ўз замондошлари қатори Қуръонни суралаб ёд олган экан. Бироқ у бошқалардан фарқли равишда ушбу сураларни шунчаки эмас, балки Ёр ишқида ёд олганини урғулайди. У Ёрнинг «чаккадаги бурама қора сочи» ва «Қуёшдек порлоқ юзи»ни «кўриш» учун «Лайл» (Тун) ва бешинчи оятида Қуёшнинг ҳисоб-китобли яратиб қўйилгани баёни келган «Раҳмон» сурасини ёдлаган экан.

...Хондамир ўзининг «Макоримул-ахлоқ» асарида ёзишича, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, қирқта работ, ўн етти масжид, ўн хонақоҳ, тўққиз ҳаммом, ўн учта кўприк, йигирмага яқин ҳовуз қурдирган ёки таъмирлаттирган. Айтишларича, Навоий қуйидаги рубоийсини ўша қорихоналардаги қориларга атаб ёзиб, у ерга илдириб қўйган экан:

Бу даврада йўқ сен кеби хушхон ҳофиз,

Ҳуффоз аро сарҳалқаи даврон ҳофиз,

Қуръонга сен ўлган каби яксон ҳофиз,

Бўлсин санга ҳар борада Қуръон ҳофиз.

Насрий баёни: «Эй Қуръон ҳофизи! Бу дунёда сен каби гўзал нағма этувчи ҳофиз йўқ. Сен ҳофизлар, яъни ёд олувчилар ичида энг сараси, бошлиғидирсан. Сен Қуръонни тўлиқ муҳофаза қилганинг каби Қуръон сени ҳар жиҳатда муҳофаза этсин!»

Шоирнинг Қуръон ҳофизлари мақтовида айтилган ушбу мазмундаги фикрлари ғазалларида ҳам учрайди:

Чекти булбул кеби минг лаҳн ила дoston ҳофиз,
Йўқ анингдек яна бу даврда хушхон ҳофиз.

Давр ўқир чоғда ажаб фитналар айлар изҳор,
Йўқ анингдек яна сарфитнаи даврон ҳофиз.

Ҳофиз эткан кеби Ҳақ лутфи ани Қуръонда,
Бўлди онинг доғи ҳар ҳолида Қуръон ҳофиз.

Жон олур нағмаси ул руҳ ғизоси бирла,
Халқ жонин қилур ўз базмида меҳмон ҳофиз.

Гар унунг жон олур они деса бўлғайму дариғ
Ким, фидо боштин аёғингға сенинг жон ҳофиз.

Сендадур нағмаи Довуд ила анфоси Масиҳ,
Бордурур йўқ эса давронда фаровон ҳофиз.

Эй Навоий, дема лаҳниға недин бўлдунг сайд,

Халқ сайдиға қони ўйла хуш алҳон ҳофиз.

Ҳазрат Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг бир ғазалида Қуръондан кундалик вазифаси борлиги, яна ҳам аниқроғи, Қуръон ила Ёрни зикр қилиш орқали жисму жони учун офият топганини айтади:

Эй хуш улким, офият кунжи манга эрди мақом,

Сураи «Ваш-шамс»у «Вал-лайл» эрди вирдим субҳу шом.

Ҳазрат Навоий раҳматуллоҳи алайҳ нафақат оддий Қуръон қориси, балки қироат ва тажвид илмларидан бохабар олим бўлганини у кишининг айрим ғазаларида ҳам кўриш мумкин. У киши ўзининг Ёр ишқида тортган оҳини тажвид илмидаги мад қоидаси ижросига менгзайди:

Зикринг айларда чекармен ҳар дам оҳ, эй сарвқад,

Ўйлаким, Қуръонға нотик тортғай ҳар лаҳза мад.

Алишер Навоийнинг баъзи шахслар ҳақида маълумот беришда қўллаган баёнида ҳам у кишининг тажвид ва қироат илми борасидаги билимлари намоён бўлган. У киши «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида шайх Паҳлавон Муҳаммадни шундай таърифлайди:

«Дағи қироат илмин ҳам яхши билур эрди ва хўб махраж ва тажвид била Қуръон ўқур эрди ва гоҳи ҳуффоздин қироат бобида сўрар эрдиким, алар жавобидин ожиз бўлур эрдилар, Паҳлавондин истифода қилур эрдилар»...

Айнан Қуръон ҳофизлари шахсларни таништиришда уларнинг қироат ва тажвидга алоқадорлик жиҳатларини ёритишга кўпроқ эътибор қаратадилар. Фалакиётшунослиги билан донг таратган олимнинг аввало Қуръон қироатларида моҳирлигини беихтиёр таъкидлаш муаллифнинг ушбу соҳага кўпроқ боғлиқлигини кўрсатади. Ҳар гал Қуръонни тилга олганда «мажид» (улуғвор) деган сифатни қўшимча қилиш эса ҳазрат Навоийнинг қалбида бу илоҳий каломга нисбатан ниҳоятда юксак муҳаббат ва эҳтиром шаклланганидан дарак беради.

Қалам аҳли яхши биладики, ҳар қандай ижод, айниқса, шеър онгу шуурда мавжуд маълумотлардан беихтиёр отилиб чиқади. Қидирув ёки талабларга кўра тортиқ қилинган асарда ҳеч қандай руҳият, жозоба бўлмайди. Навоийнинг ижодидек дунёни ҳайратга солган бадий бойлик қалб қаъридан юксак руҳиятда юзага келганида шубҳа йўқ. Қуръону Суннат

мазмунини ўз ижодига бу қадар қориштириш учун ижодкор уларни хотирасига мустақкам жойлаган бўлиши, қалби шу маънолар билан тўйинган бўлиши лозим. Нафақат мазмун, балки матнларни шеърый байтлар орасида келтириш учун эса уларни ёддан билиш янада зарур. Навоий ўзининг шеърларида жуда кўп Қуръон оятларидан бевосита иқтибос келтиради...

«Бадоеъул-бидоя» девонидаги айрим ғазалларни мисол тариқинда кўриш жоиз:

Эй, муҳафи рухсоринг азал хаттидин иншо,

Дебочайи ҳуснунгда абад нуқтаси туғро.

Бу байтда Ҳадид сурасидаги «У Аввалдир ва Охирдир» оятининг маъноси акс этган (3-оят).

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикрингга зокир,

Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдингга гўё.

Бу байт Ҳашр, Тағобун сураларининг илк оятларидаги, Исро сурасининг 44-оятларидаги маънолардан олинган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг Қуръони каримга муносабатини, унинг маъноларини тараннум этиш иштиёқини унинг Қуръон таржимаси ва тафсирини яратишга бўлган эътиборидан ҳам билса бўлади. Хусайн Воиз Кошифий ўзининг форс тилидаги «Жавоҳирут-тафсир» номли машҳур асарини айнан ҳазрат Навоийнинг таклифи ва ҳомийлигида ёзган.

Хулоса қилиб айтсак, Низомиддин Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг Қуръон ҳофизи бўлгани борасида манбаларда очиқ далил учрамади. Бироқ келгуси изланишларда бу борада қатъий сўз айтишга асос бўладиган маълумотлар топилиши умиди бор. Ҳозирча эса у кишининг ижоду фаолиятлари Қуръон ҳофизи бўлганига ишонишга асос бўлиши мумкин. Зеро, Қуръони карим маъноларини насру назмда бу қадар кенг тараннум этиш, оятларидан бу қадар равон иқтибос келтириш учун шоир ёки ёзувчи Қуръон ҳофизи бўлиши шарт. Қолаверса, Навоийдек закий инсон, минглаб байтларни ёд билган фавқуллода хотира эгаси, илму фан тараққиёти авжида турган даврда яшаб, ижод қилган, ўттиз минг байтни ёд билмаган кишини шоир санамайдиган илмий муҳитнинг биринчи рақамли вакили

ҳисобланган олим Қуръон ҳофизи бўлиши табиийдир.

Аллоҳ таоло Ҳазратни Ўз раҳматига олиб, қолдирган бой меросларидан тўғри истифода қилиш бахтини барчамизга насиб айласин!

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид
«Ҳилол» журналининг 6(75) сони

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 24 декабрдаги 03-07/8262-сонли хулосаси асосида тайёрланди.